

ЎЗБЕК ДАВЛАТ КИТОО МАКТАБИ
 КНБ.
 1997 йил 29 март

Она юртинг — олтин бешигинг

ТОНТЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 25 (66000)
 1997 йил, 29 март, шанба

Сотувда эркин
 нархда



БОЛАНИ БОШДАН АСРА, НИХОЛНИ ЁШДАН

26-март куни Республика ўқувчилар саройида Ўзбекистондаги иқтидорли болаларнинг 6-республика слёти бўлиб ўтди.

Слётни халқ таълими вазирининг биринчи муовини Йўлдош Саиджонов табрик сўзи билан очиб, иқтидорли ўқувчиларга ўқиш ва ижодий фаолиятларида омадлар тилади.

Шунингдек, «Саодат» ойнамасининг бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиёва, халқ маорифи аълочиси Шукрулло Ўтаганов, Республика «Камолот», Республика ёшларини қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаларининг раислари Ҳотам Абдураимов ва Исфандиёр Латипов, сеvimли ёзувчимиз Тоҳир Малик сўзга чиқишиб, болалик подшолик, иқтидори имконияти билан тенглашса, кўп ишларга қодирдир улар, дейишди.



Шу кунларда республикамиз ўқувчиларининг «Олимпиада — 97» мусобақаларига қизгин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Тошкент вилояти мактабларида иқтидорли ўқувчи ёшларнинг беллашуви яхши ўтди. 17 нафар билимдон, истеъдодли ўқувчи республика олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ғолиб ўқувчиларга вилоят олимпиадаси дипломанти ҳужжатлари топширилди.

Орангизда сузиш, чумилишга қизиқмаганлар кам бўлса керак-а? Сизларни қувонтирадиган бир янгилик: куни кеча қайта таъмирланиб, соғломлаштириш мажмуига айлантирилган Ўзбекистон Касаба уюшмаларининг В. Митрофанов номидаги сув спорти саройининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Янги комплексда Сизларнинг сув спорти билан шуғулланишингиз учун барча қулайликлар мавжуд.

Яна бир хабардан вофиқ бўлсангиз, ёш мухлислар, фойдадан холи бўлмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон бадиий академиясини ташкил этиш ҳақида»ги Фармониға мувофиқ тасвирий ва амалий санъат, халқ хунарамандчилиги соҳасида Камолитдин Бехзод номидаги Давлат мукофоти таъсис этилганлиги муносабати билан уни 1997 йилдан бошлаб ҳар уч йилда бир марта Мустақиллик байрами арафасида бериш тартиби жорий қилинди. Мукофот жамоатчилик томонидан тан олинган учта етуқ санъат асари учун берилди. Шунингдек, Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотини ҳам шу йилдан бошлаб Мустақиллик байрами арафасида бериладиган бўлди.

Бехзод ҲОЖИМАТОВ.

СУМАЛАК ИСИ

Навруз таоми — Сумалак иси Тошкент темирйулчилар шаҳарчасида ҳам таралиб, одамлар узоғини яқин қилувчилар кўнглиға баҳорий кайфият олиб кирди. Бу ерда талабалар пиширган сумалак институт раҳбарлари З. М. Жумабоев, Қ. Т. Турсунов, А. Н. Ризаев бошчилигида минглаб одамларға улашилди. Айниқса, баҳор қўқатлари билан безатилган дастурхон миллий таом — ошдан яна ҳам яшнаб кетди. Дастурхон тузатиб, меҳмонларни кутиб, кузатишда бекалиқ қилган Шарофат Раҳмонованинг айтишича, Навруз ҳақида шеър, қўшиқ айтган болакайлар институт домалари, темирйул ходимларининг фарзандлари экан. Беихтиер бу болаларға ҳавас қилмай илож йўқ: ота-оналари темир изларда ишлагани билан, узлари ҳам уларнинг касб-кори, мақсад ва вазифасидан хабардор бўлиб улғайишияпти. Шунинг учун ҳам дустлари кўп уларнинг. Орзу-кечинмалари ҳам бир: темир излар тинчлик манзилларидан хурлик, хотиржамлик даргоҳларига элтсин!

Абдуҳамид
 АБДУҒАППОРОВ.

Азиз болалар! Хабарингиз бордир, бу йил истеъдодли ёзувчи Абдулҳамид Чўлпоннинг 100, Абдулла Қаҳҳорнинг 90 ҳамда Усмон Носирнинг 85 йиллик тўйлари нишонланади. Ушбу тантаналар-

нома ва шоирларнинг ҳаёти, ижоди бўйича ўз билимларини намойиш этдилар.

Ғолиблик учун 18 синф курашган бўлса, финал босқичига фақатгина 5-«Б» синфи-

липи, саҳна кўрinishлари намойиши каби мусобақалар йиғилганларда катта завқ уйғотди. Мактабнинг фахри ҳисобланмиш 5-махсус синфнинг «Парвоз» жамоаси бу сафар ҳам ўзига билдирилган ишончини оқлади. У «Турон» ва «Би-

ОНА ТИЛИМ —

ЖОНУ ДИЛИМ

ни кўзда ўтказиш мўлжалланган. Аммо баъзи мактабларда бунга ҳозирданоқ тайёргарлик бошлаб юборилди. Мисол учун пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 154-мактабда она тили ва адабиёти ойлиги бўлиб ўтди. Унда 5-11 синф ўқувчилари фаол қатнашиб, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Рабғузий, Алишер Навоий, Муқимий, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Усмон Носир каби ал-


нинг «Роҳат», 5-махсус синфнинг «Парвоз», 9-«Б» синфининг «Турон» ҳамда 11-«Б» синфининг «Битирувчи-97» жамоалари етиб келишди. Танловдан ўрин олган шеърхонлик, мақол айтиш баҳси, сўз таҳ-



тирувчи-97» жамоаларини доғда қолдириб, биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин «Турон» жамоасига насиб этди. Учинчи ўрин эса бир хил очко тўппаган «Роҳат» ҳамда «Битирувчи-97» ўқувчиларига берилди. Ғолиблар кўрик-танлов ҳомийларининг совғаларини олдилар.

«УЛУГБЕК»

ИСТЕЪДОДЛАРИ

САФИМИЗГА
ЧОРЛАЙМИЗ

данийт илм-фан ва иқтисодни Шарқ ва Ғарбнинг энг ривожланган мамлакатлари қаторига кутаришга ҳисса қўшишдир.

Жамгарма илм-фан ва санъат соҳаларида ёш истеъдод соҳибларини излаб топиш ва уларнинг барча муаммоларини ечишга қаратилган дастурларни рўйбга чиқармоқда.

1996 йилда жамгарма мус-

тақиллигимизнинг беш йиллиги, бобомиз Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб бир қанча тадбирларни амалга оширди.

1997 йилга мулжалланган фаолият дастурларимиз эса «Истеъдодларни излаймиз», «Чет эллар тилларини урганамиз», «Чет элларда илм оламиз», «Халқаро ҳамкорликни

мустақамлаймиз», «Телекурсатувлар — илмий тараққиёт кумакчиси» каби шартли номлар билан ифодаланган.

Шу кунгача Республика мизнинг ҳамма вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги уч мингдан ошдиқ аълочи ва истеъдодли уқувчилар аниқланиб, уларга «Улугбек» стипендиялари тайинланди. Бу йил Мустақиллигимизнинг олти йиллиги ҳамда Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги муносабати билан аълочи, истеъдодли ва ижодкор ёшларнинг «Истеъдод-

ларни излаймиз» курик-танловини эълон қилдик. Қуйида ана шу курик-танлов ҳақидаги маълумотлар билан танишасиз. Танловда қатнашинг. Камолот пилла-пояси саналмиш бундай беллашувларда уз баҳонингизни олиб, ҳам маънан, ҳам моддий рағбат топишингиз эртанги кунимизнинг зукколари сафини тўлдирди, деб уйлаймиз.

Норим РАҲМОНОВ,
«Улугбек» номли
истеъдодли ёшларни
қўллаш Ўзбекистон
жамгармаси бош
директори ўринбосари.

Улугбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаш Ўзбекистон жамгармасининг ижтимоий хайрия ташкилотининг мақсади ёшларга ҳар томонлама кумаклашиш, ма-

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Республикамиз Мустақиллигининг олти йиллиги ва Бухоро, Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги олдидан Мирзо Улугбек номли истеъдодли ёшларни қўллаш Ўзбекистон жамгармаси ва «Тонг юлдузи» газетаси ҳамкорликда «Улугбекни излаймиз» Республика курик-танловини

УТКАЗАДИ

Танловдан кузланган мақсад техника, иқтисодиёт, тиббиёт-экология, адабиёт, санъат ва маданият соҳаларида ута қобилиятли ёшларни саралаш, уларнинг кашфиётчилик, изланувчанлик, топқирлик ва ҳозиржавоблик каби фазилатларини аниқлаш ва истеъдодли ёшларнинг фаолиятларини янада ошириш, яратилган янгиликларни такомиллаштириш, ҳаётга тадбиқ этиш ва кенг оммага ёйиш, уларнинг техника ижодиёти, кашфиётчилик, топқирлик каби изланишларини қўллаб-қувватлашдир.

«Улугбекни излаймиз» курик-танловининг ширлари:

1. «Кашфиёт эт, Ўзбекистон ёшлари!»
2. «Ижод эт, Ўзбекистон ёшлари!»
3. «Саломат бул, Ўзбекистон ёшлари!»
4. «Ватанни асра, Ўзбекистон ёшлари!»

Курик-танловда мактаб уқувчилари, ҳунар-техника билим юртлари талабалари ва умуман, 7 ёшдан 17 ёшгача булган йигит-қизлар қатнашишлари мумкин.

Курик-танловда иштирок этиш учун қуйидаги ишлар топширилиши лозим:

— Техника ижодиёти буйича қилинган ихтиро, кашфиёт ва янгиликлар, мавжуд яратилган машина ва қўлланмалар кургазмаси, лойиҳалар ва конструкторлик лойиҳалари;

— Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллигига бағишлаб адабиёт, тасвирий санъат, мусиқа, қўшиқ, ҳайкалтарошлик, журналистика соҳаларида яратилган энг яхши бадиий асарлар;

— Даволашнинг текшириб қўрилган янги усуллари, даволаш препаратлари, дори-дармонлар, тиббиётнинг янги асбоб-ускуналаридан фойдаланиш;

— Инсонларнинг саломатлигини таъминловчи янги экологик техник қўрилмалар ва усуллар, атроф-муҳитни ифлосланишдан сақловчи мустақам технология ва яратилган янги экологик лойиҳа, тадбирлар ва илмий ишлар.

Курик-танлов голибларига қуйидаги мукофотлар белгиланди:

Жамгарманинг Мирзо Улугбек мукофоти лауреати нишони ва 5000 (беш минг) сум (тўртта).

Биринчи урин учун 3000 (уч минг) сум (10 та мукофот);

Иккинчи урин учун 2000 (икки минг) сум (10 та мукофот);

Учинчи урин учун 1000 (минг) сум (10 та мукофот).

Курик-танлов 1997 йилнинг 1 сентябрида, Ўзбекистон Мустақиллигининг 6 йиллиги тантаналари кунлари топширилади. Иштирок этувчилар уз ишларини «Улугбек» номли жамгармага (Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Фурқат кучаси, 1-уй, 5-қаватга йўллашлари мумкин. Тел: 45-26-45, 45-96-96.

Абдулла ҚУРБОНОВ,
Тошкент шаҳридан;
Дилшод КАТТАБОЕВ,
Сирдарё вилояти, Ховост шаҳридан;

Достон УБАЙДУЛЛАЕВ,
Миробод туманидаги 253-мактаб уқувчиси;

Шоҳсанам ҲОЛИҚОВА,
С. Раҳимов туманидаги 249-мактаб уқувчиси; Ҳамидулло МУМИНОВ, Тошкентдаги 20-мактаб уқувчиси;

«УМИД» фольклор-рақс дастаси, Ибн Сино номли

Маҳбуба АШУРОВА

— Собир Раҳимов туманидаги 111-мактабнинг 9-синф уқувчиси. Маҳбуба ўзбек миллий рақс санъатига катта меҳр қўйган. Бир неча йилдирки, республи-



«Нозанин», «Чаманда гул», «Роҳат» каби қатор миллий рақсларни Ўзбекистон телевидениеси орқали томоша қилган бўлсангиз керак. У ҳам «Умид» дастасида ўзининг ижрочилик услуби устида тинмай изланмоқда.

ЮЛДУЗЛАР

маданият маркази;

Жаҳона АБДУРАСУЛОВА, Тошкентдаги 41-мактаб уқувчиси;

Дамир ҲОЛИҚОВ, Успенский номли мусиқа билим юрти уқувчиси;

Дониёр САЪДУЛЛАЕВ, «Умид» дастасининг доирачиси;

Нигора ИСАБОЕВА, Тошкентдаги 102-мактаб уқувчиси.



Наргиза БЕГИМҚУЛОВА
— Денов туманидаги 51-ўрта мактабнинг 9-синф уқувчиси. Наргиза — шеърят шайдоси. Унинг ўнлаб шеър-ҳикоялари республика радиосининг «Келажак тонги» эшиттиришларида, «Тонг юлдузи», «Маърифат» газеталарида эълон қилинган. «Ўзбегим», «Ўйна, болажон» шеърларига бастакор М. Камолов куй басталаган.

ка Ибн Сино номли маданият маркази қошидаги «Умид» дастасида жозибали рақслар ижро этиб тенгдошлари олқишини қозонмоқда.

Нилуфар СУПАЙМОНОВА — Чилпонзор туманидаги 162-мактабнинг 10-синф уқувчиси.

Нилуфар ижросидаги «Тановар», «Кама-



Барча чиқар Наврўз сайлига,
Домқозонда қайнар сумалак.
Дилга қувонч солиб осмонда
Камон торғар заррин камалак.
Кутлуғ бўлсин эй, улуг халқим,
Мустақил юрт, сўлим баҳоринг!
Истиклолинг нашидасидан
Порлоқ бўлсин ҳар шомнаҳоринг!
Наргиза БЕГИМҚУЛОВА.

БАҲОР

Баҳор келди, уйғонди олам,
Яна гулга бурқанди боғлар.
Шавқли ҳаёт қўшиғин куйлаб,
Шивирлайди жажжи япроқлар.

Табиат ҳам покланар бу пайт,
Кўкдан қуёш заррин нур сочар.
Кўз уқалаб қирда лолалар,
Булоқлар ҳам бир-бир кўз очар.



Сирдарё

БУ ГУЛШАН АРО ГУЛ КЎП, ЧАМАН КЎП



«Ёш истеъдодларни излаймиз» шиори остидаги сафаримиз баҳорнинг чечак исанқиган илк кунларида бошланди.

Манзил томон борар эканмиз, бизга Ибн Сино маданият марказининг «Умид» фольклор рақс дастаси ҳаваскорлари ҳамроҳ бўлди. Она ер ҳовури, қайноқ меҳнат, яйловдаги қўй-қўзилар, гиламдек ёйилган майсалар, дарахтларнинг куртаклари кўзларни қувонтирар эди.

Гулистон Давлат университети талабалари бизни яхши кутиб олдилар. Шоир Нормурод Нарзуллаев меҳр, оқибат мавзудидаги янги шеърларини йиғилганларга ўқиб берди.

Талабалардан Мақсуда Эгамбердиева, Хурсаной Сотиволдиева, вилоят «Камолот» жамғармасининг раиси Одилжон Аҳмадқулов ўқувчиларнинг истиқболи ҳақида сўзлади.

Илм даргоҳида икки мингдан ортиқ талабаларнинг ҳаёти завқли кечмоқда экан.

«41-ЛИЦЕЙДАН КЎРСАТАМИЗ»

Гулистон Давлат университети қошида 41-лицей-интернат фаолият курсатмоқда. Азиза АБДУЛЛАЕВА, Мунаввар ХОЛМАТОВА каби муаллималар айтишича, лицейдаги ўқувчи қизлар маънавияти ва маърифати доимо эътиборда. Қизлар орасида «Ибо», «Иқбол», «Саодат»,

«Лицей маликаси» каби баҳс-мунозаралар, мушоиралар мунтазам ўтказилиб турилар экан. Онага, қайнонага ҳурмат масъулиятининг шаклланиши миллий кушиқлар ижроси ва моҳияти ҳақидаги баҳс голибларининг муносиб тақдирланаётгани ҳақида гурур билан ҳикоя қилдилар.

Эшитганмисиз? Янгиер шаҳридаги 41-лицей мактаб-интернатда телестудия фаолият курсатмоқда. Унга Гулмира Қобулова раҳбарлик қилмоқда. Ёш тележурналистлардан Дилафруз Назарова, Дилмурод Козимов, Наргиза Алласва, Барно Шодиева, Дилдора Абдурахмонова меҳнати билан лицей янгиликлари, ўқувчилар ҳаёти ва ижоди, баҳс кечалари батафсил ёритилади. Студиянинг асосий мақсади — ўқувчиларни ўз фикрини айта олиш, дунёга ўз кўзи билан қараш, сузлаганда узини эркин тута олишга ургатишдир.

«ТОНГ ЮЛДУЗИ» ҲАЙМИ?

41-лицейда таълим бераётган на бир муаллим, на 380 нафар ўқувчининг биронтаси «Тонг юлдузи» газетасига 1997 йил учун обуна бўлмаган.

Эмишки, Янгиер шаҳар алоқа бошқармаси раҳбарлари томонидан 1997 йилги газета-журналлар учун нашр этилган «КАТАЛОГ» да «Тонг юлдузи» курсатилмаганмиш. «Алдагани бола яхши» деганларидек, лицей раҳбарлари шу каби баҳоналар билан бизни овутомқчи бўлди. Бу лицей раҳбарларининг ўқувчилар маънавиятини бойитишга эътиборсизлиги эмасми?!

Ўгай эмас экан...

Шароф Рашидов туманидаги 12-мактабда қувончли ҳолат устидан чиқиб қолдик. Аслида-ку, тумандаги мактаб ўқувчилари «Тонг юлдузи» газетасининг ашаддий мухлислари экан. Мактабда ҳар душанба куни «Тонг юлдузи» газетасининг утган ҳафта сонлари муҳокама этилар, газета-

нинг «Зирапча», «Аълочилар ҳақида ҳикоялар», «Маърифат ёғдулари» сингари рукндаги мақолалари мириқиб ўқилар экан.

ИСТЕЪДОДЛАРНИ ИЛҒАЙЛИК

Мазкур мактаб-интернат республикамизда энг ибратли масканларидан бири бўлиб келган. Бир неча йилдирки, истеъдодли ўқувчилар зиё масканини муваффақиятли тамомлаб, етук олийгоҳларда таълим олмоқдалар. Ўқув масканида Дилноза Норматова, Гулноза Набиева, Гофур Маҳкамов сингари аълочи ўқувчилари билан фахрланишади. Аммо нега улар республикамиздаги мавжуд «Улугбек», «Алишер Навоий» стипендиялари қабиларга тавсия этилмаган?

Сафаримиз давомида «Улугбек» жамғармаси раҳбарлари

ФАОЛИЯТ КУЧИ

Абдували Каримовни Шароф Рашидов тумани усмир ва ўқувчи ёшлари ҳурмат қилдилар. Ўқувчилар дарсдан буш вақтларида унинг туғарагида наққошлик, ганчкорлик, сурат солиш ва уймакорлик сингари санъатлардан бирини урганадилар. У ерда ўқувчилар ёғочга гул солишни, ўқлов, сабзи-пиёз туғрайидиган тахтача қабилар ясашни урганиб олишибди.

— Навбат бозорбопларини ясашга, — дейди Абдували.

ОҚИБАТ

Ҳамид Олимжон номли 12-мактабнинг бошланғич синф бўйича илмий булим мудири Жамила ОСТОНОВА шундай деди:

— Бизда ўқувчиларнинг билим ва қобилияти рейтинг усулида баҳолаб борилади. Назокат Маматова, Зулфия Камолова, Наташа Мамадалиева

қизлар қумитаси бош-қош бўлдилар.

Бу туй болалар мустақиллигимизнинг олти йиллиги тантанали кунларида зиё масканларига қадам қўйдилар.

РАҲБАРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Шароф Рашидов туманида Холмумин Шукуров уттиз йиллик фаолияти давомида ҳам ижодий ҳам илмий изланишлари самарали бўлди.

Атоқли ёзувчи ва давлат арбоби Шароф Рашидовнинг 80 йиллигига ҳам туман маорифчилари ва ўқувчилари чуқур билимлари ва узларининг энг ибратли тадбирларига таянган ҳолда қизгин тайёргарлик куришмоқда.

Чул шароитида ҳозир чет тиллари, рус тили, кимё фанларидан ўқитувчилар етишмайди. Уч йил аввал «Шодлик» иқтидорли болалар мактаби ташкил топган. Натижа



бу зиё масканига компьютер совға қилди ва 18 нафар ўқувчини «Улугбек стипендиясига тавсия этишни лозим топди.

Истагимиз: иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириб, номзодларини стипендияларга ва курик-танловларига ўз вақтида тавсия этсалар, ёш истеъдодлар камолоти янада тезлашарди.

ҚАЛБЛАР ТУТАШСА...

Ибн Сино номли маданият марказининг «Умид» фольклор-рақс дастаси юзлаб ўқувчиларга, талабаларга ўз концерт дастурини намойиш этди ва Шароф Рашидов тумани халқ таълими булимининг Фахрий ерлиги билан тақдирланди.

Мезбон ўқувчи ва талабалар, меҳрибон ўқитувчилар ёш санъаткорларга таҳсинлар айтишди, истиқлол куёшининг эркин нурлари нозик қалбларда туташди.

сингари устозларимиз билан мукамал билим бериш қобилиятидан фахрланамиз. 4-синф ўқувчиси Гулбахор Мамадалиева, 2-синф ўқувчиси Наргиза Шукурова, 1-синф ўқувчиси Хулкар Қушмуродова каби истеъдодли болалар ўқиш ва узлаштиришда тенгдошларига намуна бўлмоқда.

Ночор ва ногирон ўқувчиларимиз ҳам назоратимизда. 1-синф ўқувчиси Анвар Абдурахмонов, Ойниса Муродовага бириктирилиб, сабоқ олаётир. Тенгдош синфдошлари ҳам ногирон дустидан хабар олиб туради.

МЕҲР ҚОЛУР...

Шу йилнинг Навруз аёми кунини Шароф Рашидов туман халқ таълими булими ва туман ҳокимияти ташаббуси билан кам даромадли, ночор отасиз еки онасиз 20 та болаларнинг суннат туйини утказдилар.

Ушбу тадбирга туман «Камолот» жамғармаси, хотин-

шуки, вилоятда ўтказилган фан олимпиадаларида 14 нафар ўқувчи фахрли уринларни эгаллади.

Тумандаги 22 та мактаб, 18 та болалар боғчасидаги ҳар бир тарбиячи, устоз, ўқувчи ва кичкинтой қалбида Ватан шухратини, шаънини ошириш орзуси жўш урмоқда.

ЯНГИ НАШР

Утган йилнинг 29 ноябрь кунини Гулистон Давлат университети қошидаги 41-лицейда янги нашр пайдо бўлди. Ойда бир марта «Истеъдод» номли куп нусхали икки бетли, жажжи газета чоп этилмоқда. У лицейдаги ўқувчи, ўқитувчиларнинг ютуқлари ва фазилатларини кенг тарғиб этмоқда.

Республикамиздаги бошқа лицей ва гимназиялар ҳам бу ташаббусни узлаштирсалар айни муддао буларди.

Кўш саҳифани Мухтор БЕК тайёрлади.



Жаҳон болалар шеъриятдан



ОҚШОМ

Оқшом чоғи қизиқ хўп,
Тоғлар ётар нордек бўп.
Ботиб боради куёш
Дум-думалоқ шардек бўп.

БЕРКИНМАЧОҚ

Излай-излай топмадим
Укажонимни қирдан.
Беркиндийкин қаерга,
Менга сездирмай бирдан?
Етмай қолди ақлим ҳам
Кетдимкин ё учиб?
Уйга қайтсам, қув укам
Ўтирарди чой ичиб.

Ақилбек ШАХМЕТОВ,
қозоқ шоири.

АМАКИМИНИ

СОВҒАСИ

(Ниҳоясиз шеър)

Бу китоб жуда қизиқ,
Ўқигандирсиз, балким?
Буни менга жўнатган
Стас деган амаким.
Йўқотмайин деб уни
Четига ёздим шунини:
«Бу китоб жуда қизиқ,
Ўқигандирсиз, балким?
Буни менга жўнатган
Стас деган амаким».

Лучезар СТАНЧЕВ,
болқор шоири.
Абдурахмон АКБАР
таржималари.

Боғчам — овунар жойим


АЛЛАНИ МЕН
АЙТАМАН

Аллани айтиш санъат, эши-
тиш ёқимли. Агар уни жаж-
жи қизалоқлардан эшитсан-
гиз-чи, таърифга сўз йўқ.

Пойтахтимизнинг Собир
Раҳимов туманидаги 551-бо-
лалар боғчасида «Болажонлар
алла айтар» мавзусида тадбир
булиб ўтди. Унда кичкин-

тойлар оналаридан, бувилари-
дан, боғча опалари — Гулнора
Салоҳова, Муаззам Эгамбер-
диева ҳамда мусиқа раҳбари
Муяссар Шоазимовадан урга-
ниб олган аллаларни айтиш-
ди, баҳор байрамини эзгу
ниятлар билан кутиб олишди.

Дилдора ОРИПОВА.



Шунақа манзарани қайси мактабда учратгансиз?

Хар куни «Оқшом эрта-
лари» курсатуви миллион-
лаб хонадонларга ташриф
буюрар экан, мухлисларни
курсатувнинг ютуқ ва кам-
чиликлари ҳам қизиқтирар
экан. Бу хусусда биз кўп-
мактублар олдик ва курсатув
ижодкорларини суҳбатга
чорладик.

— Юртимизга гузал баҳор
узунинг бутун нафосату ла-
тофати билан кириб келди.

«ОҚШОМ ЭРТАКЛАРИ» МЕХМОНИМИЗ

маётганлиги, баъзи мульт-
фильмларнинг эса қайта-қайта
намоиш этилаётганлиги кич-
кинтой дустларимизнинг но-
розилигига сабаб булмапти-
микин?..

— Курсатувимиз бежиз «Оқ-
шом эртаклари» деб номлан-
маган. Мультфильмлар-тонг-
ги ва кундузги дастурларда
ҳам бериляпти. Болалар кўп-
роқ эртаклардан таъсирлани-

вимизнинг асосий мақсади бо-
лажонларга эртақ орқали
таъсир этишдир.

— Миллий руҳдаги мульт-
фильмларнинг кам намоиш
этилишига сабаб нима?

— Ҳозирги мультфильмлар-
нинг асосий қисми шўролар
даврида яратилгандир. Мил-
лий руҳдаги янги мультфильм-
лар чиндан ҳам кам. Баъзан
эртаққа мос мультфильм то-
полмай қийналамиз.

Бахтиёр Ёдгорхужаев, «Оқ-
шом эртаклари» режиссёри:

— Ҳозир ўзбек тилидаги
мультфильмлар кам. Улар-
нинг кўпчилиги эса катталарга
мулжалланган. УзТВ қошида-
ги дубляж студиясида ҳалига-
ча атиги 2-3 та мультфильм
ўзбек тилига дубляж қилин-
ган. Яқинда бу масала учун
маблаг ажратилди. Умид қи-
ламизки, энди ўзбек тилида-
ги мультфильмлар купаяди.

И. Абдусоатова:

— Чиройли кўрсатувлар учун
чиройли кўғирчоқлар зарур.
Тасаввур қилинг, битта кў-
ғирчоқ 25.000 сўм атрофида
туради. Кўғирчоқ ясайдиган
устанинг ўзи республикада то-
пилмайди.

Суҳбатдан сўнг шунинг ан-
ладим-ки, ҳамма гап маблаг-
га келиб тақалар экан. Қа-
нийди, катта-катта корхона-
лар, фирмалар бу кўрсатувни
ўз ҳомийликларига олса, бо-
лажонларимиз ҳам бир-бири-
дан қизиқарли, сеҳрли мульт-
фильмларни тамоша қилишар-
ди...

Дилрабо ДАВЛАТОВА.

Биз билган-билмаган дунё

ЎХШАШ ТАҚДИРЛАР

А. Линкольн 1860 йили АҚШ Президентлигига сайлан-
ган бўлса, Дж. Кеннеди 1960 йилда тахтга утиради. Фарқи
100 йил. Иккиси ҳам жума куни, аёлларининг куз олдида
улдирилади. Қизиги шундаки, Линкольн ва Кеннедининг
ҳам ворисларининг исми — Джонсон.

Биринчиси 1808 йили, иккинчиси 1908 йили туғилган.
Фарқи 100 йил. Линкольнни улдирган киши 1829 йили,
Кеннедининг жаллоди эса 1929 йили туғилган. Иккала
қотил ҳам судланмасдан, бировлар томонидан улдирилган.
Яна бир гап. Линкольн секретарининг исми Кеннеди,
Кеннеди секретарининг исми Линкольн бўлган. Президе-
нтта ёвузлик қилинадиган куни А. Линкольннинг секрета-
ри Кеннеди театрга бормаслигини илтимос қилса, Дж.
Кеннедининг секретари Линкольн ҳам Далласга сафарини
кейинга қолдиришни сураган. Мамлакат бошлигини катта
бахтсизлик кутиб турганлиги ҳақида огоҳлантирган.

Ажойиб тақдир, ғаройиб жумбоқлар оламига босқинчи
номи билан «машҳур» кишилар — француз саркардаси Напо-
леон Бонопарат ҳамда А. Гитлернинг ҳаётидаги ухшашлик
ҳам ҳайратланарли.

Наполеон 1760 йили, Гитлер 1889 йили ёруғ дунё жамо-
лини куради. Фарқи 129 йил. Наполеон 1804 йили Гитлер
эса 1933 йили давлат тепасига чиқади. Фарқи яна 129 йил.
Наполеон 1809 йили Гитлер 1939 йили Венага бостириб
киради. Фарқи 129 йил. Иккиси ҳам давлатни 44 ёшида
қулга киритган бўлса, 56 ёшида таслим бўлишган. Уларнинг
иккиси ҳам сигир йилида туғилган.

ТУХУМНИНГ
ҲАҚИ

Бир деҳқон ҳар йили катта
шаҳарга бораркан-да, икки
дона қовурилган тухум еркан.
Бир гап борганида меҳмонхо-
надагилар унга утган йил еган
тухуми учун ҳақ туламагани-
ни айтишибди. Деҳқон тулаш-
дан бош тортибди, чунки ту-
хум учун ҳаддан ташқари юқо-
ри баҳо талаб қилишибди-да.
Охири меҳмонхона хужайини
деҳқонни судга берибди.

— Нега сиз еган тухумин-
гизга ҳақ тулашни чузиб юр-
дингиз? — деб сурабди судлов-
чи.

— Жаноб судловчи, олдин-
роқ келишимнинг ҳеч иложи
бўлмади, экиш учун гуруч
бўргандиним, — деб жавоб қи-
либди деҳқон.

— Қовурилган гуручни қан-
дай эқмоқчисиз? У кукариб
чикмайди-ку?!

— Бултур еган тухум учун
шунча ҳақ талаб қилаётганин-
гизда қовурилган гуручни экиб
бўлмас эканми? Ахир улар-
дан энди жужа чикмаслиги
аниқ-ку, — дебди деҳқон.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош
муҳаррир

Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:

Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Оффсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0155.
11960 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

- Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
- Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
- Нашр кўрсаткичи: № 64563
- Телефон:
• 33-44-25